

Риёзус солиҳийн / Риёзус солиҳийн / 592-ҳадис

1. Убай ибн Каъб розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам кечанинг учдан бири ўтганда, ўринларидан туриб: «**Эй одамлар, Аллоҳни зикр қилинглар. Истрофил алайхиссалом биринчи сурни, кетидан иккинчисини чаладиган пайт келиб қолди.** Ўлим ҳам ўзидағи мавжуд қўрқинг ила етиб келди, Ўлим ҳам ўзидағи мавжуд қўрқинч ила етиб келди», деб айтдилар. Шунда мен: «Эй Аллоҳнинг Расули! Ундоқ бўлса мен сизга салавот айтишни кўпайтирайми? (Кечанинг) қанча қисмida сизга салавот айтайн», десам, у зот: «**Хоҳлаганингча**», дедилар. Мен: «Тўртдан бир қисмидами?» дедим. У зот: «**Хоҳласанг, бунга зиёда қилгин. Ўзинг учун яхши бўлади**», дедилар. Мен: «Ярмидами?» десам, у зот: «**Хоҳласанг, бунга зиёда қилгин. Ўзинг учун яхши бўлади**», дедилар. Мен: «Учдан икки қисмидами?» десам, у зот: «**Хоҳласанг, бунга зиёда қилгин. Ўзинг учун яхши бўлади**», дедилар. Мен: «Ундоқ бўлса, мен )кечани( ҳаммасида сизга салавот айтами?», десам у зот: «**Агар шундай қилсанг-ку, барча ғамларингга кифоя қилиниб, гуноҳларингни кечириб юборилади**», дедилар.

*Имом Термизий ривоят қилиб, ҳасан ҳадис, дедилар.*



NUBUVVAT MARVARIDLARI